

«Hilol Nashr» нашриёти Абу Дабидаги халқаро кўргазмада



12:42 / 01.05.2025 800

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида 25 апрелдан бошлаб 34-халқаро китоб кўргазма-сайли бўлиб ўтмоқда. Унда 96 мамлакатдан ташриф буюрган 1 400 дан ортиқ нашриётлар, китоб савдоси ташкилотлари ҳамда адабиёт соҳаси вакиллари иштирок этмоқда.

Ушбу нуфузли тадбир китобхонликни тарғиб қилиш, адабий алоқаларни ривожлантириш ҳамда турли халқлар маданияти ва адабиётини яқиндан танитиш мақсадида ташкил этилган.

Мазкур кўргазмада «Hilol Nashr» нашриёт-матбааси вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Нашриёт томонидан турли ҳажмда чоп этилган мусҳафлар, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг нодир асарлари — «Тафсири Ҳилол», «Олтин силсила» каби тўпламлар кенг жамоатчиликка тақдим этилмоқда.

Шу билан бирга, кўргазмада намойиш этилган хорижий нашриётларнинг энг сара, долзарб мавзудаги китоблари ўрганиляпти. Юртимиздаги ноширлар бу китобларни ўзбек тилида чоп этиш бўйича режалар тузиб, ҳамкорлик лойиҳаларини муҳокама қилишяпти.

Мамлакатимиз кўргазма стенди хорижий иштирокчилар ва меҳмонларда катта қизиқиш уйғотяпти. Кўргазма доирасида Ўзбекистон вакиллари

хорижий нашриётлар ва адабий ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Араб Амирликларидаги нашриёт, ёзувчи ва адабий агентликлар билан қатор учрашувлар ўтказди. Бу учрашувлар давомида тажриба алмашиш, ўзбек адабиётини хорижий тилларга ҳамда чет эл адабиётини ўзбек тилига таржима қилиш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва ижодкорлар билан бевосита мулоқот қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро кўргазма 5 майгача давом этади.